



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 15 октябрь, № 199 (6382) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДХ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2015 йил 15-16 октябрь кунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Қозоғистон Республикасида бўладиган мажлисида иштирок этади.

Давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувида МДХ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, халқаро ва минтақавий миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

ЮКСАК САЛОҲИЯТ, ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ

худудларимизнинг миллий ва ижтимоий ривожланишида акс этмоқда



Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётган тараққиётнинг "Ўзбек модели" самаралари Қашқадарё вилоятида ҳам яққол бўй кўрсатмоқда. Қисқа давр мобайнида воҳа иқтисодий-ижтимоий ҳаётида рўй берган беқиёс ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларда барпо этилган мухташам бинолар, худуд аҳлининг турли соҳаларда қўлга киритаётган улкан муваффақиятларини кўриб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш мумкин. Энг муҳими, ана шу ислохотлар туфайли Қашқадарё вилояти ўтган 24 йил ичида саноати тобора ривожланиб бораётган салоҳиятли худудга айланди. Чунончи, айна пайтда бу ерда фаолият юритаётган 33 та ишлаб чиқариш субъекти ўз маҳсулотларини тўғридан-тўғри экспорт қилаётгани диққатга сазовордир.



2013 — 2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига мувофиқ,

555 лойиҳа рўёбга чиқарилиши кўзда тутилган.



Шоҳруҳ ШАРАПОВ. Ўзг. суратлар.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Андижон шаҳридаги "Tsal-2000" хусусий корхонаси томонидан "Матиз" автомобиллари орқа эшикларини қўлф ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маҳаллий муҳандислар ихтироси

Ушбу янги турдаги маҳсулот кичик бизнес субъекти муҳандисларининг узоқ изланишлари самарасидир. Асосан, маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулот деталъ хорижий шу турдаги эҳтиёт қисмлари билан бемалол рақобатлаша олади. Бу синов жараёнида тўлиқ ўз исботини топди. Дастлабки туркум маҳсулот буюртмачи — "Ўз Тонг Хонг Ко" кўша корхонасига етказиб берилди. Йил яку-

нига хусусий корхона жамоаси 8 минг донга ана шундай қўлф ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. — Кичик бизнес субъектлари учун берилаётган имтиёзлар фаолиятимизнинг барқарор ривожланишида муҳим омир бўлаётти, — дейди ушбу корхона раҳбари Бехзодбек Қазиходжаев. — Шу билан бирга, бу янги иш ўринлари учун мустаҳкам замин ҳам ҳозирламоқда.

Саидхон ШУКУРОВ.

Қизилқум бағридан маъданли сув

Конимех туманида "Aquarius water" масъулияти чекланган жамияти жамоаси Қизилқум сахараси қазирдан олинаётган маъданли сувни қадоқлашни йўлга қўйди.

Тадиқотлар натижасида 150 метр ер остидаги обиҳаёт таркибида инсон саломатлиги учун фойдали минераллар кўпчилиги аниқланди. Шундан сўнг мазкур лойиҳа рўёбга киришилди. Бу мақсадлар учун 105 минг АҚШ долларлик сармоя йўналтирилди. Ҳозир бу ерда кунига 40 тоннагача сув бежирим идишларга қўйилаётти.

Навоий вилоятида 2015 йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида янги корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизация қилиш бўйича ҳаётга татбиқ этилган 1264 та лойиҳа туфайли 6252 киши доимий даромад манбаига эга бўлди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Янги лойиҳа амалга оширилди

Ургут туманида чет эл инвестицияси иштирокида тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган "Isnur Qutlan tekstile" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади.

Бунинг учун хорижий ишбилармонларнинг 430 минг АҚШ долларлик сармояси йўналтирилди. Хитойдан текув ва тўқув дастгоҳлари келтирилган, бу ерда йилга 4 миллион донга пайпоқ ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Энг замонавий ускуналар ёрдамида тайёрланаётган

сифатли тўқимачилик маҳсулотлари ҳозирданок ўз харидорларини топиб улгурди. Эндиликда жамоа экспортни мўлжалламоқда. Умуман, бугунги кунда туманда 346 та саноат корхонаси фаолият кўрсатаяпти.

Мамадӣр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ИСЛОХОТ

Хусусан, 2008 — 2014 йиллар давомида Қашқадарё вилояти саноатини ривожлантириш ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун 2,6 триллион сўмлик инвестиция йўналтирилиши ҳисобига 1969 та янги корхона ишга туширилди, 627 та субъектда модернизациялаш ишлари амалга оширилди.

Ваҳолонки, бир пайтлар воҳада бармоқ билан санарли саноат тармоғи фаолият юритар,

улларда ҳам, асосан, "марказ" буюртмаси бўйича маълум хом ашёлар қайта ишланар эди, холос. Бугун эса вазият тамомилан бошқача. Истиқлол шарофати билан аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган қарийб барча турдаги истеъмол товарларини шу ерда тайёрлаш имконияти юзага келди. Натижада энг илғор ускуналар билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этилиб, улларга маҳаллий мутахассисла-

римиз, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчилари жалб этилди. Ўртбошимиз шундай ютуқлар ҳақида тўхталар экан, "Мана, ҳаммангиз хабардорсиз, Шўртан газ-кимё мажмуасини барпо этдик. Бундай ноёб ва улкан саноат комплексини четдан келиб биров қуриб бергани йўқ, ўзимизнинг мутахассисларимиз, курувчиларимиз бу ишни амалга оширдик", дея мамнуният билан таъкидлаган эди. Бу эса қашқа-

дарёлик ишбилармонлар кучига куч, ғайратига ғайрат қўшгани, шубҳасиз.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган 2013 — 2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури худуд иқтисодий-етини юксалтириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди. Чунончи, мазкур дастурга кўра, умумий қиймати 2 миллиард 97

миллион АҚШ долларлик 555 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши ҳамда 13305 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган бўлиб, шундан 206 таси озиқ-овқат, 184 таси қурилиш материаллари, 146 таси энгил саноат, но-оziқ-овқат товарлари тайёрлаш ҳамда 19 таси машинасозлик ва техник йўналишларга мўлжалланган.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

Бельгия ва Нидерландиянинг нуфузли "Diplomat magazine" журнали саҳифаларида "Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллиги нишонланди" сарлавҳали мақола эълон қилинди.

«Diplomat magazine»: «Мустақиллик Ўзбекистон ҳаётидаги том маънода муҳим тарихий воқеа бўлди»

Материалда Нидерландиянинг Гаага шаҳрида бўлиб ўтган, мамлакатимизнинг замонавий тараққиётга бағишланган тақдирот тафсилотлари қаламга олинган. Мазкур тадбирда сиёсий жамоатчилик, эксперт, ишбилармон, маданий доиралар ҳамда дипломатия миссиялари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

"Мустақиллик Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очиб бергани ҳолда, мамлакат ҳаётининг мазмун-моҳиятини тубдан

ўзгартириб юборувчи, халқни эски тоталитар тузум асоратларидан халос қилган том маънодаги муҳим тарихий воқеа бўлди", дея ёзилади нуфузли нашрда.

Мақолада Ўзбекистон тарихини қисқа давр мобайнида асрларга тенг йўлни босиб ўтгани ҳамда бугун барқарор сиёсий тизим ва кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган, изчил ривожланиб бораётган замонавий мамлакатга айлангани эътироф этилган.

(Давоми 2-бетда).

Замонавий тиббиётнинг долзарб масалалари

Тошкентда бўлиб ўтаётган "Марказий Осиеда саратонга қарши кураш бўйича халқаро форум"да кенг муҳокама қилинаётти

Мазкур нуфузли тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари, ёш тадиқотчилар, шунингдек, Ўзбекистон, АҚШ, Австралия, Бельгия, Россия, Хиндистон, Беларусь каби йигирмадан зиёд давлатлардан икки юзга яқин олимлар, шифокорлар, онкологлар қатнашмоқда.

АНЖУМАН

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда истиқлолнинг илкл йилларидан бошлаб аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, барқарор авлоднинг вояга етказиш, энг сўнгги талабаларга жавоб берадиган тиббиёт инфратузилмасини шакллантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўз навбатида, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил татбиқ этилган тараққиётнинг "Ўзбек модели" ана шу ислохотлар рўёбига бош дастуриламал бўлаяпти.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур халқаро анжуман МДХ давлатлари орасида илк марта Ўзбекистонда ўтказилаётти. Форумда кўрилаётган масалалар бўйича ишлаб чиқилган яқиний хулосалар барча иштирокчи мамлакатлар онкологларининг кейинги фаолиятида муҳим дастур сифатида қўлланилиши билан янада аҳамиятлидир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда хавфли ўсма-лар билан касалланиш кўрсаткичлари ортиб бораёттир. Масалан, ҳар йили Европа қитъасида саратон касалиғи қарийб 3,5 миллион инсонда аниқланиб, уларнинг 1 миллион нафардан зиёди ҳаётдан бевақт кўз юмаяпти. Мазкур рақамлар, айниқса, экологик муҳит носоглом давлатларда юқориликча қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилаётган эътибор онкологик хизмат сифати юксалиб бораётгани ҳам ўзифодасини топаётти. Хусусан, илгор тахассислар ва давлош усулларининг жорий этилиши, бирламчи профилактика ҳамда скрининг текширувлари қўлланилиши натижасида беморларда онкологик касал-

лик эрта босқичида аниқланиб, уларнинг умр кўриши кўрсаткичлари янада яхшилланиши кузатишмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги "Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда онкологик хизмат ривожига яна бир муҳим пойдеворга айланди. Унга мувофиқ, соҳада туб ўзгаришлар юз берди. Республикадаги онкология муассасалари қайта қурилди ва реконструкция қилинди. Улар замонавий радиотерапевтик, тахассислаш ускуналари ҳамда бошқа замонавий қурилмалар билан жиҳозланди. Буларнинг барчаси юқори малакали тиббий ёрдам қўрсатишга хизмат қилаётти. Ўз навбатида, давлат бюджетининг томонидан жаҳонга ривожлантириш учун ажратилаётган маблағлар миқдори икки баробар оширилди. Унинг моддий-техника базасини янада такомиллаштириш йўлида дунёнинг нуфузли молия институтлари инвестициялари ҳам жалб қилинаётти.

(Давоми 2-бетда).

Нуфузли ва йирик иқтисодий форум

Бугун пойтахтимизда XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўз ишини бошлайди.



Президентимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу тадбир самараси ўлароқ, жаҳон бозоридида ўзбек пахта толасига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Шу билан бирга, халқаро ярмарка соҳага доир сўнгги ютуқлар билан танишиш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини оширишга хизмат қилаётгани би-

лан муҳим аҳамият касб этаётти. Жорий йилда ҳам ана шу нуфузли иқтисодий форумини юқори савияда ташкил этишга пухта тайёрларнинг кўрилди. Ишбилармонларнинг ўзаро музокаралар олиб бориши ва шартномалар имзолаши учун барча шарт-шароит яратилди.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда пахтачилик тармоғи ва уни қайта ишлаш саноати тубдан ислоҳ қилиниб, ҳар икки йўналишда кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Толани халқаро стандартларга мувофиқ сертификат-

лаш бўйича илгор тизим амалиёт-лар жорий этилгани, айниқса, мутахассислар эътирофига сазовор бўлаяпти.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси томонидан ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда унинг таркибидаги 98 пахта тозалаш заводи, чигитни экишга тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган цехлар, таъминот тармоқлари ва бошқа ёрдамчи бўлимларни бирлаштирувчи 13 худудий акциядорлик жамияти, шунингдек, ихтисослаштирилган илмий марказни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш,

ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлиги ва маҳсулотларнинг жаҳон бозоридида буйича йирик дастурлар ижроси изчил таъминланаётти. Буларнинг барчаси пировардида жаҳон стандартларига мос тола олишдан тортиб, келаси йил ҳосили учун тайёрланадиган уруғлик чигит сифатини яхшилаш ҳамда энергия ресурсларидан фойдаланиш сарф-харажатларини сезиларли даражада қисқартириш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

— Юртимизда онкологик хасталикларнинг олдини олиш ва уни самарали даволашга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда, — дейди Республика онкология илмий маркази директори Саримбек Наврўзов. — Марказимиз шаҳар ва вилоят онкологик диспансерлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга илмий-амалий жиҳатдан кўмак бериш ҳамда беморларга малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш каби муҳим вазифаларни бажаради. Шифо масканимиз 375 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўн тўртта клиник бўлим, учта илмий, битта клиник лаборатория, шунингдек, нур, ультратовуш диагностикаси, юқори энергия ва патоморфология бўлимларида иборат. Клиник бўлимларда барча аъзоларнинг онкологик касалликлари жарроҳлик, кимётерапия ҳамда нур терапиясини комплекс қўллаш усули билан даволанади. Зеро, марказда жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш устувор йўналишлардан биридир.

Анжуманда эътироф этилганидек, шундай етти-саккиз йил ичида марказда меъда, йўғон ичак ва қовуқ саратони хасталиклариде жарроҳлик йўли билан олиб ташланган аъзолар фаолиятини тиклашда ижобий натижаларга эришилди. Дикқатга сазовор жиҳати, МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб, меъда олиб ташланганидан сўнг ушбу аъзо фаолиятини ингичка ичакдан фойдаланган ҳолда, пластик-тиклаш жарроҳлиги қўлланилмоқда. Мазкур услуб ўз самарасини берапти. Шундай амалиётлар бугунги кунгача юзлаб беморларда қўлланилди. Улар орасида хасталикдан фориғ бўлган, соғлом ҳаёт кечириб, яна меҳнат фаолиятини давом эттираётганлар кўпчилиги ташкил қилади.

Энг муҳими, бундай ноёб ва мураккаб жарроҳлик амалиётлари фақат республика муассасасида эмас, балки вилоятлар ҳамда шаҳарлар онкологик диспансерлари мутахассислари томонидан ҳам муваффақиятли

амалга оширилмоқда. Зотан, жойлардаги ихтисослаштирилган онкологик даволаш муассасаларида юқори технология асосидаги мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилгани беморлар умрига умр кўшишда муҳим роль ўйнаяпти.

Шулар қаторида, марказ етакчи мутахассислари вилоят ва туманларга бориб, ўсмаолди ва

Анжуман якунида тегишли резолюция қабул қилинади. Мазкур ҳужжат хавфли ўсмаларни ташхислаш ҳамда даволаш дастурини амалга ошириш, онкологик беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш ва барча давлатлар онкологларининг ҳамкорликда фаолият юритишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳадаги етакчи журналларда нашр қилиниб, тиббиёт илми мутахассис-

ри, худудий кўп тармоқли бола-лар тиббиёт марказлари қатори онкология диспансерлари ҳам фаолияти йўлга қўйилгани диққатга сазовордир. Республика онкология илмий маркази фаолияти билан яқиндан танишман. У кўркам биноларда жойлашган, замонавий жиҳозлар, малакали мутахассислар билан таъминланган. Форум ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш-

қарши курашиш иттифоқи президенти (UICC) Тэзер Кутлук. — Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, бунинг учун зарур ин-фраструктура, моддий-техник базам барпо этишга устувор аҳамият қаратилгани кўп ўтмай ўз самараларини бергани ҳақида яқиндан хабардор бўлдим. Чекка худудларда

Нуфузли ва йирик иқтисодий форум

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги “Ўзбекистон пахта тозалаш заводи” акциядорлик жамияти уюшманинг етакчи тўзилмаларидан бири бўлиб, бу ерда жорий йилги мавсумга пухта хозирлик қўрилди. Хусусан, хом ашёни узлуксиз қабул қилиш, узатиш ва фармлашда қўлланиладиган ускуналар тўлиқ таъмирдан чиқарилган бўлса, лаборатория жиҳозлари, тош-тарозилар давлат стандарти кўригидан ўтказилди. Бундан ташқари, тайёрлов майдонларида хом ашёни бус-бутун сақлаш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун махсус техника воси-

миз, — дейди корхона бош муҳандиси Тўлқин Қулмаев. — Бунда модернизация қилиниб, цехларга ўрнатилган энг сўнгги русумдаги линия асқатмоқда. Чунончи, Хитойдан келтирилган тозалаш, линтерлаш, пресслаш ускуналари иш унумдорлигини ошириш, энг муҳими, тола сифатини яхшилаш имкониятини яратиб, ўзбек пахта толасининг довуғини дунёга ёйишга хизмат қилаётир. Ўш Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари анжуман доирасида корхонамизга ҳам ташриф буюриб, кенг қамровли фаолиятимиз, жумладан, бу ерда ишлаб чиқаришга татбиқ этилган технологиялар би-



талари созланиб, сув ҳавзалари тозаланди.

— Ҳозирги кунда шартномалар асосида вилоятнинг фермер хўжаликларидан қабул қилиб олинган 14 минг тонна қимматбаҳо хом ашёни қайта ишлаяп-

лан яқиндан танишадилар. Шундай қилиб, нуфузли меҳмонларни қутиб олишга тайёрмиз!

Файрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Йилига 12 минг тонна маҳсулот тайёрланади

Ургач шахрида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида “Metall silver star” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

Металл қувурлар ва турли профиллар тайёрлашга мўлжалланган ушбу лойиҳа рўёби учун 4,1 миллиард сўм миқдориде сармоя йўналтирилди. Бунинг ҳисобида корхона энг замонавий технологик линия билан жиҳозланди. Пировардида бу ерда йилга 12 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти юзга келди. Шу билан бирга, ўттизга яқин иш ўринлари яратилди.

Корхона жамоаси келгусида велосипедлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган, қиймати 500 минг АҚШ долларлик лойиҳани ҳаётга татбиқ этишни режалаштирган. Бу орқали йилига 8 минг донагача маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

● Нукусда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очкилигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришнинг муҳим вазифаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш каби қатор масалалар хусусида фикр алмашилди.

● Тошкентда Миллий гоа ва мафкура илмий-амалий маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик маркази ҳамкорлигида “Умумтаълим муассасаларида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ўқитилишининг долзарб масалалари” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Узархив” агентлиги билан ҳамкорликда “Архивларга келиб тушаётган сўровлар ижроси ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида архив хизматларини кўрсатиш масалалари” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2009 йил 21 декабрда қабул қилинган резолюциясига мувофиқ, ҳар йили 13 октябрда нишонланганидан Тиббий офатларнинг хавфини камайтириш халқаро кунига бағишланган анжуман ташкил этилди.

● Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 2-академик лицейда глобаллашув жараёнида “оммавий маданият”нинг миллий қадриятларини ва ёшлар онгига салбий таъсирининг олдини олиш масалаларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

Diplomat magazine: «Мустақиллик Ўзбекистон ҳаётидаги том маънода муҳим тарихий воқеа бўлди»

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шунингдек, ҳозирги пайтда республикамиз дунёда иқтисодиёти тез суръатлар билан ўсиб бораётган давлатлар ичида бешинчи ўринни эгаллаб турганига алоҳида урғу берилган. Хусусан, унда хоржий ҳамкорлар билан амалга оширилиши кўзда тутилган, умумий қиймати 38 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 870 та йирик сармоявий лойиҳаларни қамраб олувчи 2015

— 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурига катта аҳамият қаратилган.

“Президент Ислоом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат ҳамда жамият ҳаётида жиддий янги босқични бошлаб берди. Ушбу ҳуж-

жат давлат ҳокимияти асослари ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузилмасини кенг миқёсда ислох этишни кўзда тутди”, дея қайд этилади мазкур манбада.

Мақолада келгуси йили Флоренция шаҳрида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик ва шериклик тўғрисида битим имзоланганига 20 йил тўлиши таъкидлаб ўтилган. Ушбу ҳужжат юртимизнинг ЕИ ҳамда унга аъзо давлатлар, жумладан, Бельгия

Фуркат САНАЕВ,
Омонулла ФАЙЗИЕВ.

ва Нидерландия билан икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириши учун ҳукуқий пойдевор бўлгани айтиб ўтилган.

“Diplomat magazine” журналида Ўзбекистон Республикаси билан Нидерландия Кирослиги ўртасида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда икки томонлама манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан узок муддатли амалий шериклик муносабатларини боқимча-босқич тараққий топтириб бориш муҳим аҳамиятга эга эканлиги хулоса сифатида таъкидлаб ўтилган.

«Жаҳон» АА.
Нидерландия

ЮКСАК САЛОҲИЯТ, ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ

худудларимизнинг миллий ва ижтимоий ривожланишида акс этмоқда

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

— Ҳозирги кунгача 927,8 миллион АҚШ доллариллик 492 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 9831 кўшимча иш ўрни яратилишига эришилди, — дейди вилоят иқтисодиёт бошқармаси бошлиги Раҳмат Полвонов. — Ушбу мақсадлар рўёбига ташаббускорларнинг 339,7 миллион долларлик маблағлари ҳамда молия муассасаларининг 127 миллион долларлик кредитлари, чет эллик инвесторларнинг 223,8 миллион долларлик сармоялари жалб этилди. Бинобарин, Республика тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳам 237,4 миллион доллар миқдоридеги маблағи билан ҳисса қўшди. Албатта, бу худудий дастур саноатда ижобий ўзгаришларга сабаб бўлаётганининг ёрқин тасдиғидир. Масалан, кейинги икки йилда ишлаб чиқариш таркибида энгил саноатининг улуши 11,7 фоизга, озиқ-овқат саноати улуши эса 9,5 фоизга етди.

Қолаверса, худудда пахта хом ашёсини қайта ишлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Жумладан, бундан етти йил аввал вилоятда йирек тўқимачилик корхоналари сонини атиги иккитани ташкил этган бўлса, ўтган йилга келиб бу кўрсаткич еттига етди. Ҳозирги кунда “Оқсарой текстиль” масъулияти чекланган жамиятида йилига 4800 тонна, “Бунёдор” МЧЖда 2000 тонна, “Яккабоғ Хумо текс” корхонасида 450 тонна калава ип ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Муҳими, уларда

“хом ашёдан — тайёр маҳсулотга” тамойили асосида иш олиб борилаётгани юқори самара берапти.

Вилоятнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири — воҳа замини табиий ресурсларга ниҳоятда бой. Хусусан, Китоб туманида мрамор тош, цемент ва ўтга чидамли гишт, Яккабоғ туманида чинни ва шиша, Деҳқонobod туманида қурилиш учун деворбоп тош, Фузор туманида керамзит, Қамаш туманида қурилиш гипси хом ашё захиралари мавжудлиги аниқланган. Шундан келиб чиқиб, ўтган даврда энг сўнгги технологиялар асосида микрокальцит, лок-бўёқ, гипс ишлаб чиқариши йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, кейинги йилларда маҳаллий ишбилармонлар сайёҳаракати билан тайёрланган ламинатланган меҳмон хом ашёси, қорақўл теридан бош кийим ва эркаклар устки либослари, пойабзал, косметик совун, кўмир брикети, кунгабоқар ва махсар ёғи, қурилган ҳамда қадокланган мева-сабзавот, печенье, қадокланган асал, кир ювиш кукунини, сунъий мрамор, чинни бўюмлар, шиша маҳсулотлар каби 10 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ички бозор эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш ва худуд экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётир.

Савдо растанларидаги мўл-қўллик дастурхонимиз тўқинлиги омилдир. Айни пайтда худудда 49 та мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш, 17 та гўштини қайта ишлаш, 61 шунинг қайта ишлаш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили улар сафига ян-



Собир НАРЗУЕВ олган сурат.

гидан қўшилган Китоб туманидаги “Асл консерва”, Нишон туманидаги “Ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш” каби 11 корхона айти пайтда воҳада этиштирилаётган сархил неъматларни бежирим идишларга қадоклаб, истеъмолчиларга етказиб берапти.

Қолаверса, ноозиқ-овқат саноати йўналишида полиэтилен буюмлар, спорт тренажёрлари, пластмасса ва картон қутилар, болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган қатор истиқболли лойиҳалар шарофати билан аҳолининг импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи таъминланапти.

— Ўтган йили 475 минг АҚШ доллари эвазига 11 турдаги кўриқлаш-ёнғин сигнализация тизимлари тайёрлашни йўлга қўйдик, — дейди Шаҳрисабз туманидаги “Mars Electronics” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шокир Жумаев. — Шунингдек, мавжуд қувватларни технология жиҳатдан янгилади. Натижада 15 та иш ўрни яратилди. Авваллари зарур бутловчи қисмларнинг деярли ҳаммасини четдан олиб келган бўлса, ҳозир маҳсулот таркибининг 36 фоизини маҳаллий хом ашё ташкил этапти. Бинобарин, ҳадемай кўп функцияли назорат-касса машиналари ва таксометрлар ишлаб чиқаришни режалаштираяпмиз.

Мутахассислар прогнозига кўра, худуд саноати ана шундай юқори суръатларда ўсишда давом этадиган бўлса, 2015 — 2019 йилларда вилоят ялпи худудий маҳсулотиде мазкур соҳанинг улуши 33,8 фоиздан 40,2 фоизга етиши кутилмоқда. Келгуси 5 йил давомида саноат соҳасида 13 миллиард доллардан зиёд маблағ, шу жумладан, 5 миллиард доллар миқдориде хоржий инвестиция ўзлаштирилиб, 64 та истиқболли лойиҳа рўёбга чиқарилади.

Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метан асосида суолтирилган синтетик ёнилғи ишлаб чиқариш лойиҳаси — шулардан бири. Унга 3 миллиард 984,5 миллион АҚШ доллари миқдориде маблағ сарфланиши белгиланган. Натижада бу ерда йилига 863,4 минг тонна дизель ёнилғиси, 304 минг тонна керосин, 393,5 минг тонна нефть, 11,2 минг тонна суолтирилган газни қайта ишлаш имконияти юзга келади. Бинобарин, 2016 йилнинг якунигача Муборак газни қайта ишлаш заводида қиймати 2,5 миллиард долларга тенг газ-кимё мажмуи қурилиши мўлжалланган.

Албатта, булар яқин истиқболда халқимиз турмуш фаровонлиги янада юксалишидан даролат беради. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, саноатни ривожлантирмай туриб, миллий ва ижтимоий тараққиётга эришиб бўлмайди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАВСУМ

Куз — боғларга ўзгача файзу барака бахш этади. Офтобда "ял-ял" товланган олмаю нок, шигил ҳосил туккан беҳизорларга боқиб кўз кувнайд.

Етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари эса авжида. Бухоро туманидаги "Саховат" қишлоқ фуқаролар йиғини худудиди яшовчи боғбонлар айни кунларда ана шундай эзгу юмушлар билан банд.

Замин саховати



— 15 гектарлик боғимиз бор, — дейди "Файрат Улмас Маржона" фермер хўжалиги раҳбари Музаффар Рамазонов. — Шунинг олти гектариди хўраки нави узум, аниқроғи, кишимиз етиштираймиз. Ҳосилнинг бир қисмини шартнома асосида Бухоро марказий деҳқон

бозорига етказиб бердик. Винобон узумни эса қишлоғимиздаги "Галла ривер" кўшма корхонасига топшираймиз. Халқимиз дастурхонига деб уч тонна атрофида майиз ҳам тайёрлаб қўйдик. Дарвоқе, ушбу неъмат инсон саломатлиги учун жуда фойдали, эко-

логик жиҳатдан тоза маҳсулот саналади. "Саховат"лик боғбонлар кишмишдан майиз тайёрлаш учун даставвал бўш текис ерни сувоқлаб чиқишади. Сувоқ куригач, устига тўшма қоғоз ёпишади. Узумнинг устида қуритилади ва ҳар ўн кунда бир марта ҳаво алмашиниши, кўёш нурига тўйиниши учун ағдариб чиқилади. Майиз шу тариқа роппироса бир ойда тайёр бўлади. Табиийки, уни узоқ муддат сақлаш йўлини ҳам кўриш керак. Боғбонларнинг фикрича, қуруқ жойда сақланса, майиз асл ҳолича туради.

Узумчилик сердаромад соҳа эканини Музаффар ақанинг қуйидаги сўзларидан ҳам билиш мумкин.

— 2006 йилдан буён фермерлик билан шуғулланамиз — дейди у. — Узумчиликнинг ҳам ўзига яраша но-зик жиҳатлари, сир синоати бор. Шукр, боғбонликнинг ортидан кам бўлаётганимиз йўқ. Янги иморат

тикладик. Енгил автомашина олдик. Рўзгоримиз обод, турмушимиз фаровон. Меҳнатимизнинг ҳузурини кўраймиз.

— Худудимизда 49 та фермер хўжалиги фаолият юритаяпти, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини

Ғолиблар аниқланди

Наманган шаҳри енгил атлетика бўйича республика миқёсидаги навбатдаги чемпионатга мезбонлик қилди.

СПОРТ

2002/2003 йилларда туғилган ўғил болалар ва қизлар ўртасида қизгин кечган бахсларда юртимизнинг барча ҳудудидан юз нафардан зиёд истеъдод эгалари қатнашди. Турли масофага югуриш, тўсиклар оша югуриш, эстафета мусобақалари, узунлик ҳамда балангликка сакраш, учкураш йўналишларида навқирон авлод вакиллари спорт оламига ошуфта эканликларини яна бир бор намоён этдилар.

Хусусан, фарғоналик, навоийлик, тошкентлик, самарқандлик, андижонлик, сирдарёлик, Тошкент вилоятилик истеъдод эгалари, айниқса, юқори натижа кўрсатишди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



АҚШнинг "Twitter" ижтимоий тармоғи раҳбарияти иш ўринларини 8 фойз қисқартиришга қарор қилди. Унинг асосчиси ва янги бош директори Жек Дорси шу йўл орқали харажатларни камайтириш мақсадида эканини билдирди.

Иш ўринларини қисқартирмоқчи

2006 йилда ташкил этилган мазкур интернет сервисис киска вақт ичида дунёда ном қозонди. Лекин ўтган йили мазкур компания 577 млн., жорий йилнинг биринчи ва иккинчи чорақларида эса қарийб 300 млн. АҚШ

доллари миқдориди зарар кўрди. Айни пайтда фаол фойдаланувчилари сони 316 миллион нафарга етган ушбу тармоқ бу борада "Facebook" ва "Instagram" ижтимоий тармоқларидан ортда қоляпти.

Инқирозга қарши чора

Франциянинг "Air France" компанияси беш йилдан бери сурункали зарар кўриб келаётгани туфайли қарийб 3 мингта иш ўрнини қисқартиришни лозим топди.



Бундай қарор охириги йигирма йил ичида биринчи марта қузатилишидир. Меҳнат шартномалари бекор қилиниши назарда тутилганлар орасида учувчилар, борт қузатувчилари ва бошқа ишчилар бор. Бу эса касаба уюшмалари ҳамда ходимлар норозилигига сабаб бўляпти.

Ташкилот бош менежерларидан бири бундай ноқулай вазиятни компанияга учувчилар евроҳудуддаги бошқа рақобатчиларига нисбатан 25 фойз қимматга тўшаётгани билан изохлади.

Тадқиқотчилар хулосаси

Германияда ишбилармонлик муҳитида тушқунлик қайфияти тобора кучайиб бораёпти. Бу мамлакат иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда, дея маълум қилди маҳаллий "ZEW" тадқиқотлар институти мутахассислари.

Ушбу илмий ташкилот директори Клеменс Фюстинг айтишича, мазкур вазият "Фольксваген" компанияси билан боғлиқ машмашалар ва айрим ривожланаётган давлатлар иқтисодиётидаги муаммолар туфайли янада авж олиши мумкин. Хусусан, яқинда немис автоконцерни автомобиллари экологик тести ни мунтазам сохталаштириб келаётгани маълум бўлди.

Сув тошқинлари қузатилди

Руминиянинг Нэводари ва Корбу шаҳарларида ўнлаб уйлар тошқин туфайли сув остида қолиб кетди.



Оқибатда мазкур ҳудудларда автомобиль ва темир йўл қатнови ҳам тўхтаб қолган. Ҳозирча бедарак йўқолганлар ёки қурбонлар ҳақида маълумот йўқ. Маҳаллий ҳуқуқ-

Иштирокчилар номи маълум

Дунёда футбол бўйича етакчи давлатлардан бири — Голландия 1984 йилдан буён биринчи марта Европа чемпионати финал босқичига чиқа олмади.

Саралаш турнирининг гуруҳ босқичи сўнгги турда "лолалар жамоаси" ўз уйида Чехия термасидан 2:3 ҳисобида мағлубиятга учраб, тўртинчи ўринда қолиб кетди.

Ҳозиргача нуфузли мусобақада қатнашадиган йигирмата жамоа номи маълум бўлди. Қолган тўртта иштирокчи эса ноябрь ойида ўтказиладиган "плей-офф" баҳсларидан кейин аниқланади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Advertisement for 'Халқ сўзи' (The People's Voice) newspaper, featuring contact information for advertising: 9.00 dan 18.00 gacha, 232-11-15, 236-09-25, E-mail: reklama@xs.uz

«КАМАЛАК ЮЛДУЗЛАРИ — 2015»

"Камалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда олтига йўналиш бўйича 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 480 нафар иқтидор эгаси иштирок этди.

Истеъдод ва маҳорат кўриги

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбир иқтидорли ёшларни аниқлаш, ёш авлоднинг маънавий олами-ни бойитиш, санъатга бўлган қизиқишини оширишдек олижаноб мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

манзур бўлганидан хурсандман, — дейди Навоий шаҳрилик Нодира Кубаева. — Республика босқичида ҳам фаол қатнашиш ниятидаман.

Тадбирнинг туман ва шаҳар босқичларида 3 мингдан ортиқ ўғил-қиз қатнашди. Вилоят босқичида ёшлар мумтоз мусиқа, вокал, халқ чолғулари, рақс, тасвирий ва амалий санъат, назм ҳамда наср йўналишларида бахшланди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Интерфаол усуллар

ёш авлоднинг мутолаага бўлган қизиқишини ошираётти

Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидидаги вилоят ахборот-ресурс марказида болаларнинг китобга бўлган қизиқишини орттиришда бир неча самарали усуллардан фойдаланилмоқда.

ТАЖРИБА

Айниқса, муассасанинг мактабгача таълим ва бошланғич синфларга хизмат кўрсатиш бўлими томонидан боғча ҳамда мактабларда ташкил қилинаётган овозли мутолаалар ёш авлодда китобхонлик кўникмасини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Яъни бўлим ходими эртақ ёки бошқа бадиий асарни ифодали қилиб ўқийди ва ундаги қаҳрамонлар образига киради. Айни чоғда марказ жамоасининг болалар адабиёти намуналари асосида намоийш этаётган кўғирчоқ театри томошалари ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. Эътиборлиси, кўплаб ўзбек халқ эртаклари қаҳрамонларини акс эттирувчи кўғирчоқларни

ҳам ходимларнинг ўзлари ясаган.

— Электрон кутубхона фондимишни ҳам йил сайин кенгайтириб бораёпмиз, — дейди ахборот-ресурс маркази раҳбари Шоира Шукурова. — Ҳозиргача 2750 та адабиётнинг шундай шаклини яратдик. Бинобарин, кўплаб ташкилот ва муассасаларда кўчма кутубхоналар ҳам ташкил қилганмиз. Натижада фойдаланувчиларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, айни пайтда ахборот-ресурс марказимиз олти мингдан зиёд кишига хизмат кўрсатаёпти. Қувонарлиси, уларнинг кўпчилигини болалар ва ёшлар ташкил этади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

2016 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ва мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

Катта илмий ходимлар-изланувчилар: 08.00.07 - Молия. Бухгалтерия ҳисоби.

- Керакли ҳужжатлар: ариза; маълумотнома; меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси; олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси ёки Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасасининг магистратура дипломига тенглаштирилган дипломи ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилганга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси; тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси; илмий журналлар ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра сўбатлари рўйхатлари; фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўғрисидаги қиритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Телефон: (0-371) 237-53-51.

1511A/730

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидида ўтказиладиган оқиқ аукцион савдосида тақлиф этади.

1. Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Гулистон шаҳар судининг 2013 йил 13 августдаги 1-240/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Дўстлик кўрғони, Чўлпон кўчаси, 55-уйда жойлашган, умумий майдони 1280,0 кв.м. бўлган тураржой биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

2. Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Гулистон тумани судининг 2014 йил 10 февралдаги 1-03-2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчасида жойлашган, умумий майдони 675,0 кв.м., қурилиш майдони 635,85 кв.м. бўлган «Ичан қалъа» ресторани биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

3. Аукцион савдосига Боёвут тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14573 (27.1)-сонли, 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14579 (27.1)-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги 12-1201/5831 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Боёвутдавсувмаҳсуспудрат» давлат унитар корхо-

насига тегишли, Сирдарё вилояти, Учтурғон маҳалласи, Усмон Носир бўлими худудидида жойлашган, ер майдони 35527,0 кв.м., қурилиш майдони 3535,61 кв.м., фойдаланиш майдони 3481,29 кв.м. бўлган, 0022-литердаги фойдаланишга яроқли идора ва ёрдамчи бинолар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Башланғич баҳоси — 344 027 129 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 3 ноябрь кунни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 30 октябрь кунни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фойзидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'snmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (0-367) 226-38-91. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

Advertisement for 'ELEKTR QUVVAT QURILMALARI' KK, featuring electrical equipment and contact information: Манзил: Тошкент ш., Яшнобод т-ни, Мўйнок к., 201-уй. Телефонлар: (+99890) 995-89-78, (+99871) 298-76-79. E-mail: speqq@mail.ru

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидида ўтказиладиган оқиқ аукцион савдосида тақлиф этади.

Аукцион савдосига Фузур тумани СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 3 апрелдаги 18-1404/632-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, «Гиссарнефтьгаз» МЧЖга тегишли, Қарши шаҳри, Табассум маҳалласи, Б. Шеркулов кўчасида жойлашган, умумий майдони 36168,52 кв.м., қурилиш майдони 5172,04 кв.м. бўлган маъмурий бино, меҳмонхона, ошхона ва кўйилмача бинолар қўйилмоқда.

Башланғич баҳоси — 52 917 981 700 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 17 ноябрь кунни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат

10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 13 ноябрь кунни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фойзидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'snmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Манзил: Қарши шаҳри, «Қарликхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

Advertisement for 'Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридидаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти' with contact information: 2016 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ва мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади: 08.00.02 - Макроиқтисодиёт. 08.00.12 - Минтақавий иқтисодиёт. Ҳужжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (0-371) 237-10-46, 237-26-32.

Мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, ажратилаётган кредитлар самарадорлигини ошириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.
Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ислохотларнинг асосий мувофиқлаштирувчиси сифатида молия

муассасаларининг капиталлашув даражасини орттириш, уларнинг ликвидлигини мустахкамлаш, кредит портфелини, асосан, ички манбаларга қрсобидан шакллантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратаётгани муҳим омил бўлаётир. Буни республикамиздаги йирик молия муассасаларидан бири — “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.



УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ ИЗЧИЛ ИЖРОСИ

иқтисодиётимизнинг барқарор ривожини ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда

Айни пайтда ушбу банкнинг 42 та филиали ва 230 дан ортиқ шохобчалари орқали 551 мингдан зиёд юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламли банк хизматлари кўрсатишмоқда. Натигада жорий йилнинг уч чорағида унинг соф активлари 4 трлн. 050,2 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошидагига нисбатан 583,6 млрд. сўм ёки 16,8 фоиз ўсишга эришилди. Банк активлари таркибида даромад келтирувчи активларнинг улуши эса 88,8 фоизга етди.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилган ишлар туфайли банкдаги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозитлари 719,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Шунингдек, банкнинг умумий капиталга 394,1 млрд. сўмга етган бўлса, мижозларнинг талаб қилинганча депозит ҳисобварағидаги қолдиқ 391,9 млрд. сўмга, муддатли депозитлар қолдиғи 221,7 млрд. сўмга, жамғарма депозитлар қолдиғи эса 106 млрд. сўмга етди. Буларнинг барчаси “Қишлоқ қурилиш банк” жамоаси давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурсларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларига, Марказий банк томонидан ўрнатилган барча иқтисодий меъёрларга қатъий риоя этаётганидан далолатдир.

Кичик бизнес қўллаб-қувватланмоқда

Банк томонидан аҳолининг даромади ва ҳаёт тарзини янада яхшилаш мақсадида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ўз маблағлари ҳисобидан ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 124,9 млрд. сўм қўп, яъни 490,3 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилган бўлса, тақдим этилган микрокредитлар ҳажми эса 135,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол то-

варлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш босқинида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш учун мижозларга 195,3 млрд. сўм миқдорда сармоя берилиб, бу борадаги режа 101,7 фоиз ууддаланди.

Бундан ташқари, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга 61,3 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилгани, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини бизнесга жалб этиш учун 15,7 млрд. сўмлик сармоя йўналтирилгани ҳам диққатга сазовордир.

Хабарингиз бор, ўтган йили Президентимиз қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастуриги биноан, жойларда кўп қаватли “Камолот” уйлари бунёд этишга

қаришилган эди. Жумладан, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларидаги 6 та ана шундай тураржой қурилишини молиялаштириш “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки зиммасига юклатилганди. Мазкур молия муассасасининг 24,6 млрд. сўм миқдордаги имтиёзли кредити эвазига жорий йилнинг 1 октябрга 352 та хонадондан иборат уйлар белгиланган мuddатда қуриб битказилди ва ҳозирги кунда уларда ёш оилалар фаровон ҳаёт кечирмоқда.

жорий йилнинг тўққиз ойида 384,8 миллиард сўмлик маблағ айнан шу мақсад учун йўналтирилди. Бу, ўз навбатида, нафақат ишлаб чиқариш субъектларининг барқарор фаолият юритиши, балки ички ва ташқи бозорни сифатли маҳсулотлар билан бойитишда қўл келаётир. Шу ўринда молия муассасаси томонидан берилган сармоялар соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатга 107,9 млрд. сўмлик, қишлоқ хўжалигига 15,1 млрд. сўмлик, транс-

746 та лойиҳасини молиялаштириш белгиланган эди. Амалда эса 813 та лойиҳага 71,8 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилиши натижасида 6482 та иш ўрни яратилди.

Бахтли ҳаётнинг мустахкам пойдевори


Президентимиз жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида яқинда Наманган ва Фарғона вилоятларидаги ташириш чоғида Уйчи туманидаги “Обод замин” фермер хўжалигида бўлиб, “Бир неча йиллар олдин бошланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бугун яхлит индустрияга айланди. Бу уйларда одамлар яйраб яшамоқда. Энг муҳими, бундай уйларда яшаётганларнинг дунёқарши ҳам ўзгармоқда. Бизнес асосий мақ-

ийҳалар асосида уй-жойлар барпо этиш ишлари муҳим аҳамият касб этаётир. Негаки, бундай тураржойлар нафақат ўзига хос дизайн, балки одамларга яратилган шарт-шароитлари билан ҳам алоҳида ажралиб туриши барчага манзур бўлапти.

Эътиборлиси, “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки ҳам намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши дастури ижросида фаол иштирок этмоқда. Пировадидда махсус дастурга кўра, 2009 — 2015 йилларда Молия вазирлиги томонидан очилган кредит линиялари орқали жами 2 трлн. 618,6 млрд. сўм миқдорда маблағ ўзлаштирилди. Осиё тараққиёт банкнинг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш” лойиҳаси кредит линияси доирасида эса ушбу мақсадга 362,2 млн. АҚШ долларилик сармоя сарфланди.

Давлатимиз раҳбарининг “2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида”ги қарорига биноан, бу йил мамлакатимизнинг 149 та туманидаги 292 та мавзёда умумий қиймати 1 трлн. 760 млрд. сўмлик 12 000 та ана шундай тураржой бунёд этилиши режалаштирилган эди.

Банк томонидан Осиё тараққиёт банкнинг 51,2 млн. АҚШ долларилик маблағи жалб қилиниб, унинг 16,6 млн. доллари ўзлаштирилган бўлса, Исломот тараққиёт банкдан 53,8 млн. АҚШ долларилик сармоя ўзлаштирилмоқда. Тегишли шартномага мувофиқ, шунингдек, “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясига “Ўзпроммашинлекс” компанияси аҳоли хорижда қурилиш материаллари харид қилиш учун 113,4 млрд. сўм



Бу ҳали ҳаммаси эмас. Жорий йил охиригача банк томонидан яна 6 та уй қурилиши молиялаштирилади. Шу мақсадда пудратчиларга 3,4 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди.

Инвестиция — ривожланиш омили

Банк жамоаси иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратапти. Бунинг самараси ўлароқ,

порт ва коммуникация тармоғига 50,1 млрд. сўмлик, қурилишга 34,4 млрд. сўмлик, хизмат кўрсатишга 30 млрд. сўмлик ва бошқа лойиҳаларга 29,4 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилгани аён бўлади.

Шу билан бирга, Республика худудларини 2013 — 2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан, жорий йилнинг 9 ойида банк томонидан хизмат кўрсатиб келинаётган корхоналарнинг жами

садими ҳам халқимизнинг ҳеч қандам кам бўлмаи яшати, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishi таъминлашдир”, дея алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида одамларнинг келажаққа бўлган ишончи, Ватанга меҳри ортиди, улар қалбида бунёдкорлик туғуви си жўш урмоқда. Бунда Юртбошимиз ташаббуси билан олти йил аввал бошланган ва бугунги кунда келиб, жадал тус олаётган қишлоқ жойларда намунавий ло-

ЭЪТИРОФ

Шухрат ЁКУБОВ, “Diamond Glass” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси раҳбари (Самарқанд вилояти):

— Инсон манфаати, унинг бахтли ва фаровон турмушини таъминлаш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган юрда, албатта, тараққиёт бўлади. Мисол учун, биз жорий йилда “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкининг



Самарқанд минтақавий филиалидан олинган 200 миллион сўм миқдордаги кредит эвазига хорижда замонавий ускуналар харид қилиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришга муваффақ бўлдик.

Хозирги кунда ушбу технология ёрдамида бир неча турдаги шиша идишлар ишлаб чиқараёмиз. Маҳсулотимиз арзон ва рўзгорлар бўлгани сабаб буюртмачилар сафи тобора кенгаймоқда. Айтқиманки, биз, тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи банкларимиз бор экан, ишимиз бароридан келаверади.

Отабек ПАРДАЕВ, “Denta-Stomaservis-Termiz” хусусий корхонаси раҳбари (Сурхондарё вилояти):

— Чиндан ҳам, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи

диққат-эътиборда турибди. Биз ҳам шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Сурхондарё минтақавий филиалига бизнес-режамизни тақдим этган эдик. Унинг мутахассислари лойиҳамизни маъқуллаб, 24,6 млн. сўм миқдорда кредит ажратди. Ушбу сармоя ҳисобидан замонавий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатдик. Айни пайтда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаямиз.

Илмира ГУБАЙДУЛИНА, “Асал тотди” хусусий корхонаси раҳбари (Қашқадарё вилояти):

— Айтиш жоизки, тадбиркорликни бошлашимизда Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори айни мuddа бўлди. Чунки ушбу хужжат асосида бизга банкнинг Яқкабўғ филиали томонидан 120 млн. сўм миқдорда сармоя берилди. Мана, бир неча йилдирки, асал маҳсулотларини аҳоли дастурхонига тортиқ этияпти.

Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамын. Бу борада ҳам “Қишлоқ қурилиш банк” сармоясига танамас, албатта.

Исроил ФАЗЛИТДИНОВ, «4-Қишлоқ қурилиш комбинати» масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Наманган вилояти):

— Маълумки, шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси йил сайин ўзгариб бормоқда. Қад ростлаётган замонавий тураржойлар, турли ижтимоий объектлар, меҳмонхоналар кишининг ҳавасини келтирапти. Бундай кенг қўламли бунёдкорлик ишлари эса қурилиш материалларига бўлган талабни ошираётир. Шуни назарда тутиб, 2007 йили корхонамизни ишга туширган бўлсак, ўтган даврда бетон плита ва ариқлар, бино тўсиқлари, зинапоялар, устунлар ва деворлар сингари маҳсу-

лотларимизга талаб орта ортдики, асло қамайгани йўқ. Хозирги кунда 13 кишилик жамоамиз ойига 142,8 млн. сўмлик қурилиш ашёлари ишлаб чиқариб, 14,6 млн. сўм миқдорда даромад олапти.

Албатта, доимо изланишда бўлган, бозор талабларини мунозам таҳлил қилиб, шунга мос равишда иш тутган тадбиркор ютказмайди. Узимиздан қиёс: йилнинг бошида “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Наманган минтақавий филиалидан 250 млн. сўм миқдорда кредит олиб, унга ҳам ашё харид қилган эдик. Натигада харидорлар буюртмасини ўз вақтида бажариб, қишлоқларимизда амалга оширилаётган қурилиш ишларига ўз ҳиссамизни қўшяпти.

Мадина СЕТМЕТОВА, яқка тартибдаги тадбиркор (Хоразм вилояти):

— Тикувчилар сулоласиданман. Шу боис Хонқа шаҳридаги касб-хўнар коллежини битиргач, ота-онам хунарини давом эттиришга аҳд қилдим. Эзгу мақсадим эришиш учун, аввало, тижорат банкларидан ёш тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар миқдори, фоизлари ва мuddатлари билан қизиқдим. Пировадидда менга “Қишлоқ қурилиш банк”даги имконият ва хизматлар маъқул бўлиб, бизнес-режамини унинг мутахассисларига тақдим қилдим. Қарангки, қисқа мuddат ичида банкнинг Хонқа филиалидан 10 млн. сўм миқдорда кредит олдим.

Хозирги кунда ушбу сармоя эвазига харид қилинган тикув машиналари ёрдамида икки нафар дугонам билан мактаб ўқувчилари учун формалар, аёлларга мўлжалланган турли бичимдаги кўйлақлар ҳамда эркаклар костюм-шимларини тикаямиз. Биз, ёш тадбиркорларга молиявий ёрдам бераётган “Қишлоқ қурилиш банк” жамоасидан беҳад хурсандимиз.

Меҳрожон ЛАТИПОВ, “Latipov Mexrojon Qosimovich” масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Қашқадарё вилояти):

— Бугунги кунда тадбиркорлар юртимизда яратилаётган кенг имконият ва берилаётган им-

тиёзлар туфайли эмин-эркин фаолият юритапти. Бунда, айниқса, банкларнинг қўмағи салмоқли бўлмоқда. Чунончи, биз жорий йилда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг “Кўкдала” филиалидан паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун 360 млн. сўм миқдорда узоқ мuddатли кредит олиб, янги ишшоёт барпо этиш бораборида, наслдор қорамолларимиз сонини кўпайтирдик.

Шу қунларда эса тузилган шартнома асосида қўллаб ташкилотларга гўшт ва сўт маҳсулотлари етказиб бераёмиз. Даромадимиз ҳам чакки эмас. Бундан жамоамиз мамнун. Бунинг учун яқин кўмакчимиз ва ишончли ҳамкоримиз бўлиши “Қишлоқ қурилиш банк” жамоасига миннатдорлик билдиряпти.

Иброҳим ТУРСУНОВ, “Бешарик парранда” масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Фарғона вилояти):

— Дастлаб бизнесимизни Бешарик тумани аҳолисига тухум ва товук гўштини етказиб бериш билан бошланган бўлсак, кейинчалик давлатимиз томонидан яратилаётган имконият ва имтиёзлар шарофати туфайли фаолиятимиз доирасини янада кенгайтиришга эришдик.

Гап шундаки, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2011 йил 31 октябрдаги “2012 — 2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, товук гўштини қадоқлаш линиясини сотиб олиш мақсадида “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Қўқон филиалига мурожаат қилиб, 1 миллиард 400 миллион сўм миқдорда кредитни қўлга киритдик. Жамоамизда тайёрланган сифатли маҳсулотларни нафақат туманимиз, балки бошқа худудлардаги харидорлар бажонидил харид қилмоқда.

миқдорда кредит ўтказиб берилди. Буларнинг барчаси, табиийки, юртимизда бунёдкорлик ишларининг тез ва сифатли амалга оширилишида айни мuddа бўлаётир.

Хизматлар тури кўпаймоқда

Бугунги жадал ривожланиш даврини замонавий технологияларсиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Шу боис “Қишлоқ қурилиш банк” жамоаси ҳам мижозларга қўлайлик яратиш мақсадида пластик картчалари сонини кўпайтиришга, электрон тўлов инфратузилмасини ривожлантиришга ҳамда ушбу муомала воситаси ёрдамида хизматлар жозибадорлигини оширишга жиҳдий эътибор бермоқда. Бунинг самараси эса нақд пулнинг бақдан ташқари айланмасини қисқартириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришда яққол намён бўлапти.

Айтилик, хозирги кунда банк муомалага чиқарган пластик картчалар умумий сонини 429 000 тани, турли объектларга ўрнатилган терминаллар сонини 8 727 тани тақшил этмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу терминаллар орқали 1,2 трлн. сўмлик транзакциялар амалга оширилди. Бу мижозларга қўшимча равишда 60 000 донна пластик карточка ҳамда 1 450 та терминал етказиб берилгани натижасидир.

Йил охиригача мижозларга яна 2300 та терминал ва 125 000 та пластик карточка берилишини инобатга олсак, кўрсаткичлар янада юқори бўлиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, банк ҳамкорликда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини пластик картчаларга ўтказишда “ЎзАСБО” дастури ёрдамида “электрон қайднома” тизими тўлик йўлга қўйилгани эса пластик картчалар ҳисобварақлари ва маблағларнинг автоматик равишда қайта ишлаш имконини бермоқда.

Қолаверса, жорий йилда мазкур йўналишдаги ишларнинг давоми сифатида Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жағмарасининг “Пенсия” дастурий мажмуи ва банкнинг “ИАБС” дастури ўртасида пенсия тўловларини пластик картчаларга ўтказишни автоматлаштириш тизими ҳам муваффақиятли синовдан ўтказилди.

Мухтасар айтганда, “Қишлоқ қурилиш банк”нинг бугунги фаолияти, Ўзбекистон молия бозорида туган ўрни, эришаётган муваффақиятлари нафақат маҳаллий, балки хорижий ташкилот ҳамда халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Унинг барча молиявий кўрсаткичи дунё миқёсдаги нуфузли ташкилот — “Moody’s Investors Service” халқаро рейтинг компанияси томонидан “Барқарор” деб баҳолангани, “PIA Рейтинг” агентлиги эълон қилган йиллик ҳисоботда МДХ давлатларининг 200 та йирик банки қаторига “Қишлоқ қурилиш банк”нинг ҳам киритилгани бунинг тасдиғидир.

«Қишлоқ қурилиш банк» материаллари асосида «Халқ сўзи» мухбирлари И. ҲУСОБОВ ва Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 377 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона (0-371) 233-52-55;
 Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6768

Тахририятга келган қўғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Режема материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ:
 100000,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи муҳаррир — М. Жонионов.
 Навбатчи — З. Худойшукуров.
 Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.